

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ  
ТЕЗКОР ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Очилов Азимжон Тухтамишович  
(подполковник )

**Калит сузлар:** Коррупция, суд ҳуқуқ ислоҳотлари, корупцион холатлар, қонун устуворлиги, қарши курашиш менежменти, манфаатлар тўқнашувини, порахўрлик

Демократик жамият қуришнинг асосий шарти бўлган эркинлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса иқтисодий ва сиёсий фаолиятда, бир томондан, ошкоралик, иккинчи томондан, ҳуқуқий асосда тартибга солинган ижтимоий-ҳуқуқий назорат ўрнатилишини талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ҳозирги қунда инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилган ҳамда барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ошкоралик, очик фаолият қўрсатишини таъминлаган ҳолда, баъзан, айниқса миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш соҳасида уни муайян даражада чеклаш билан жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий назорат тизимини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айтиш мумкинки, жиноятчилик, жумладан унинг уюшган шакллари ва коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид соловчи реал манбадир.[6]

Ҳозирги қунда коррупция алоқаларига эга бўлган уюшган жиноий тузилмалар, айниқса унинг халқаро алоқаларга эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда фаолият қўрсатаётган тузилмалари Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига тажовуз қилувчи энг хавфли ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган ниҳоятда хавфли ва мураккаб ҳодисалардир. «Шуни унутмаслик керакки, тамагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юкумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қиласди. Сўнгра, бошқа инсонларни, астасекин бутун жамиятни емиришга ўтади».

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш коррупцияга қарши курашишнинг асосий чоралари бўлмиш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштиришни, барча давлат органлари, мансабдор

шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа бўлган ижобий муносабатга етишиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни ўз ичига олади.[7]

Коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим аҳамиятга эга йўналишларидан бири хисобланади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг кўпгина маъруза ва асарларида коррупцияга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ислоҳотлар йўлидаги тўсиқ ва давлатимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид эканлиги уқтирилади.[1]

Мамлакатимизда мазкур иллатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, бу каби жиноятчиликка нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг коррупция домига тушиб қолмасликларини таъминлаш, уларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган бир қатор узок муддатли чора-тадбирларнинг ижроси доимий назоратга олинган. Бу эса, ўз навбатида, жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белгилаб беради. Бир сўз билан айтганда, айни пайтда мамлакатимизда жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Фақат бу жараёнда юртдошларимиздан хушёрлик, огоҳлик ва жиддий масъулият талаб этилади. Шундагина тараққиётимиз янада бардавом, турмушимиз эса фаровон бўлиб бораверади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ш.М. Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 56.
2. Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 48.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 76 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2018.
6. М.Х. Рустамбаев. Жиноят кодексига шархлар. (Махсус қисм) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири 1-даражали адлия маслаҳатчиси Б.Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2006.

7. О.Т.Шорустамов, Б.М.Ибрагимов. О некоторых аспектах исследования проблем коррупции. Тошкент. 2002. «ВШ стратегического анализа и прогнозирования РУз».
8. Сьюзан Роуз-Акерман. Коррупция и государство. Москва. 2003.